

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги**

**Тошкент ахборот технологиялари**

**университети Фарғона филиали**

**директори А.Расулов**



**Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот  
технологиялари университети Фарғона филиалига  
жалюзи пардаларини сотиб олиш бўйича энг яхши таклиф.**

**Танлов хужжатлари**

**Фарғона-2022**

## **Мундарижа:**

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Жалюзи намуналари

### **1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА**

#### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1. Танлов предмети: Университет учун Жалюзи пардаларини урнатиш учун танлов утказиш.
- 1.2. Танлов қиймати : **52476100 сўм**
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб 10 календар иш кун хисобланади.

#### **ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технология университети Фарғона филиали (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчisi ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 185 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технология университети Фарғона филиали “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;  
-танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
- Низом маблағи микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;  
-мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## **ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакқонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқукига эга.

## **ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўнрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

Ганлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома зилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида гузилади

## **2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:**

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувохнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдикловчи хужжат нусхаси.
3. Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
4. Давлат солик идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
5. Берилган таклифларда корхонанинг тўлиқ юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари ракамлари кўрсатилган бўлиши керак.
6. Давлат солик идораларидан қарздорлик йўклиги тўғрисида маълумотнома.

**Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технология университети Фарғона филиали  
керакли жалюзи пардаларнинг умумий майдори**

№	Махсулот номи	Ўл.бир	Сони	нархи	Суммаси	Ўлчамлар
1	Жалюзи пардари	m 2	276.19	190000	52476100	
	<b>Жами</b>				<b>52476100</b>	

**1. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БҮЙИЧА МАЪЛУМОТ**

№	Малақа талаблари	Бахолаш	Изоҳ
1	Банк маълумотномаси	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
2	Молиявий ахволи баркарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
3	жалюзи пардалари намуналари фото суратлари	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади
4	жалюзи пардалари сифатига кафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим килинмаса 0 балл баҳоланади